

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизми
 бюджетларининг ғазна ижроси қондаларига
 8-ИЛОВА

2022 й «12» Сентябрь «YUKSALISH ZAMIN TARAQQIYOT SERVIS» МЧЖ ва
 Ободонлаштириш бошқармаси ўртасида 262 608 900 сўм умумий суммага тузилган
 -сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 110

Шахсий ғазна ҳисобварак 100022860144017065100110011

(сўмда)

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар гури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	Кичик бўлим 100 Боб 110 Модда 42-32-900	
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь	262 608 900			262 608 900
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	262 608 900			262 608 900

Жами 262 608 900 (Икки юз отмиш икки миллион олти юз саккиз минг тўққиз юз) сўм.
 сумма сўз билан

Юқоридан кўрсатилган суммдан _____ сўм ёки шартноманин умумий суммасидан _____ %***

2022 йи _____ ойида тўланиши лозим.
 (*) - бюджет ташкилоти, бюджет маблагини олувчи ва БМЖ маблагини олувчи томонидан таъминлик бўлимасидан икки нусхада тақдим этилади.
 (**) - бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади.
 (***) - Юқоридан кўрсатилган суммдан ойига _____ % жерий ойининг _____ санасигача ҳар ойидан олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблагини олувчи ва БМЖ маблагини олувчи томонидан қўшимча хизматлар кўрсатиши, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (инвентар хизматлари) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловчи амалда олиниши ҳолатида тўлдирилади).



(Handwritten signature)

 (имсо)

X Казакбаев
 Ф.И.О.
 A Джурсаев
 Ф.И.О.

Буюртмачи раҳбари _____ Буюртмачи ҳолими
 Ҳазратимизнинг _____ Буюртмачи ҳолими
 ходими _____ 20 _____ қабул қилди _____ 20 _____ й.
 й. « _____ » _____ « _____ » _____

Пудрат ишларини бажариш бўйича
ШАРТНОМА № 4

Наманган ш.

12.09.2022й.

Амалда Низом асосида иш кўрувчи кейинчалик «Буюртмачи» деб юритувчи Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси раҳбари Х.Казакбаев бир томондан амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Пудратчи» деб юритилувчи «ЮКСАЛИШ ЗАМИН ТАРАҚҚИЁТ СЕРВИС» МЧЖ номидан иш кўрувчи Т.Умаров иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома Наманган шаҳар А.Темур кўчасини кўкаламзорлаштириш минтақасини суғориш тизимини қуриш ишлари учун тузилди.

1.2. Ушбу шартнома шартлари бажарилишини томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонун-қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширадилар.

2. ШАРТНОМА УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи» «Пудратчи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари билан тўла-тўкие таъминлайди. Лойиҳа-смета ҳужжатларини «Пудратчи» «Буюртмачи» номидан тайёрлатиш мумкин. Бу ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи»га кетган сарф-харажатларни 1 ойдан ошмаган муддатда тўла-тўкие тўлаб беради.

2.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки бажарилган ишлар далолатномасидаги Ф-2 лимитланган ва бошқа харажатлар «Буюртмачи» «Пудратчи» билан ўзаро тасдиқланган тақдим этилади.

2.3. «Пудратчи» шартномада кўрсатилган иш турларини бажариш учун ёрдамчи ташкилотлар (суподряд)ни «Буюртмачи»дан руҳсат олмаган ҳолда жалб этиши мумкин. Бу ҳолда ёрдамчи ташкилот билан «Пудратчи» ўзаро тузилган шартнома асосида ҳисоб-китоб қилади.

2.4. Таъмирлаш ишларини бажариш учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га қурилган майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

2.5. Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 28 кунигача «Пудратчи» томонидан «Буюртмачи» томонидан тасдиқланади.

2.6. Иш бажариш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларидан ташқари бажарилиши керак бўлган «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасида алоҳида тузилган далолатнома асосида бажарилади.

2.7. «Буюртмачи» «Пудратчи»дан бажарилган ишларнинг миқдорини ва сифатини текшириб олади, бажарилган иш лойиҳа-смета ҳужжатларига тўғри келмаса «Пудратчи» камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи» тақдим қилган тўлов ҳужжатларига асосан белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда газна ҳисоб рақамидан ёки бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидан тўловларни амалга оширади.

«Пудратчи» ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан жавоб бериши «Буюртмачи» бажарилган ишларни қабул қилиши тўлов (аванс) ҳужжатларини тўғри ва ҳаққоний расмийлаштириш ва ўз вақтида тўлаб бериш учун топшириш.

3.2. «Буюртмачи» ҳуқуқлари:

«Пудратчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Пудратчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртномага мувофиқ сифатли бажарилишини талаб қилиш:

- камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тугриланиши харажатларини қоплашни;

- бажарилган ишларни баҳолашнинг мутаносиб тарзда камайtirилишини талаб қилиш.

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида отказилган зарар қопланишини «Пудратчи»дан талаб қилиш.

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- ўз буюртномаси бўйича бажарилган ишларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.4. «Пудратчи» қуйидагиларга мажбур:

«Бюджет ташкилоти»га бажарилган ишларни мазкур шартномага мувофиқ муддатларда сифатли бажариб бериш;

Агар таъмиргалаб бериш жараёнида «Пудратчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «бюджет ташкилоти»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текши тузатиб бериш.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартнома суммаси 262 608 900 (икки юз олтинчи икки миллион олти юз саккиз минг тўққиз юз) сўми ташкил этади.

4.2. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоблар суммалари пул утқазини йули билан амалга оширилади ҳамда «Буюртмачи» «Пудратчи»га бажариладиган иш бўйича олдиндан 30 % тўловни амалга оширади.

4.3. Тўловлар «Пудратчи» билан «Буюртмачи» ўртасида имзоланган ҳар ой учун бўлган бажарилган ишлар далолатномаси Ф-2 асосида «Пудратчи» томонидан 10 кун муддат ичида амалга оширилади.

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. Бажарилган ишлар далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. «Бюджет ташкилоти» муддатлар бузилган ва иш сифати қониқтирмаган ҳолда бажарилган ишлар қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.5. Бажарилган ишлар бўйича бевосита «Бюджет ташкилоти»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада отказиб берилган бажарилган ишнинг миқдори уларнинг сифати кўрсатилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажариладиган ишни кечиктирилган ёки тўлиқ бажариб берилмаган тақдирда «Пудратчи» «Бюджет ташкилоти»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият

бажарилмаган киемининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иш қийматиининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва бажариб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажариб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

6.2. Бажарилган иш учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Бюджет ташкилоти» «Пудратчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.3. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар ўртасида келишмовчиликлар ва низоли масалалар ўзаро ҳал этилмаган ҳолларда томонлар белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАЛАБЛАРИ

8.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

8.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

8.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қаноқатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

8.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларнинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинсий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга

карашилликни яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

8.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериши; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслиги; - уларни фақат тарафларнинг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслиги.

8.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

8.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 8.4- ва 8.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқилиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишига ҳақли.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тулланган тақдирда тўхталди.

9.3. Ушбу шартнома Наманган шаҳар бўйича Ғазначилик бўлимасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кириши ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартiriш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади, шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

11. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»	«Пудратчи»
<p>Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси Манзил; Наманган шаҳар Оромгоҳ 3 уй Ш.х.в 100022860144017065100110011 СТИР 200048883 ОКОҢХ 90290 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги</p>	<p>«ЮКСАЛИШ ЗАМИН ТАРАҚҚИЁТ СЕРВИС» МЧЖ Манзил: Наманган туман, Тошбулок ШФЙ Х/р: 2020 8000 8004 9260 5001 ОКОҢХ 61110 Банк номи: "Микрокредит банк" Тошбулок филиали</p>
<p>Ғазна х/в 23402000300100001010 Банк номи: Марказий банк Тошкент бош бошкармаси ХККМ МФО 00014 Ғазначилик булинмаси СТИР 201122919</p>	<p>МФО 00254 ИИИ 303427343</p>
<p>Раҳбар  Х. Казакбаев</p>	<p>Раҳбар  Т. Умаров</p>



YURIDIK AXAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№- 0H71287322

1. loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

Namangan shahar Obodonlashtirish boshqarmasi bilan "Yuksalish Zamin Taraqqiyot servis" MCHJ o'rtasidagi pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida malumot:

Namangan shahar Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yil 07 sentyabr kuni ishlab chiqilgan va mazkur dasturga kiritilgan.

4. Hujjatni qonuniyligini o'rganishga asoslar:

-O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli Qonuni,

-O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 364, 666, 668, 673, 676-moddalari;

-O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-sonli Qonuni;

-Shahar Obodonlashtirish boshqarmasining Tanlov komissiyasini eng yahshi taklif g'olibini aniqlash bo'yicha 07.09.2022 yildagi 142674-№OT bayoni, 120-sonli yuridik shahsni davlat ro'yhatidan o'tkazish guvohnomasi,.

Xulosa: Namangan shahar Obodonlashtirish boshqarmasi bilan "Yuksalish Zamin Taraqqiyot servis" MCHJ o'rtasida Namangan shahar A.Temur ko'chasini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha tuzilgan pudrat shartnomasi loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti :



I.To'raev

2022 yil «08» sentyabr



O'zbekiston Respublikasi Namangan viloyati Namangan tumani

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA
GUVOHNOMA

Reestrda tartib raqami

120

№

120

2015 yil 25 avgust

mazkur guvohnoma yuridik shaxs

"YUKSALISH ZAMIN TARAQQIYOT SERVIS"
mas'uliyati cheklangan jamiyati

(Yuridik shaxs bo'lgan dehqon va fermer ho'jaliklari uchun ajratilgan yer uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi.)

ga berilgan

Tashkiliy xuquqiy shakli

TXSH

152

Mulkchilik shakli

MSH (ΦC)

142

Pochta manzili

MHOBT (COATO)

1714212551

Yuridik shaxs kodi

KTUT (OKHO)

25663641

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami STIR (UHHH)

303427343

Tarmoq kodi

XXTUT (OKOBN)

61110

Qo'shimcha ma'lumotlar : Mazkur guvohnomani qalbakilashtirish qat'iyan ta'qiqlanadi.



Vakolatli organ rahbari

Z. Bobojanov

(120)

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 142674 на приобретение Наманган шаҳар А.Темур кўчасини кўкаламзорлаштириш минтақасини суғориш тизимини қуриш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 07.09.2022

Время рассмотрения 07.09.2022 09:02

Конкурсная комиссия Наманган шаҳар ободонлаштириш бошқармаси, (Далее - Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	BUTAYEV ADXAM UMARJANOVICH	Бошқарма бош муҳандиси	НШОБ
Секретарь комиссии	KENJAYEV AKMALJON MAHAMMADJONOVICH	Техник назоратчи	НШОБ
Член комиссии	ANOROV QODIRJON ODILJON O'G'LI	дизайнер	НШОБ 1
Член комиссии	TOSHPO'LATOV MUHAMMADALI USMONJON O'G'LI	Бош агроном	НШОБ 1
Член комиссии	TOJIBOYEV AKMALJON XOLMIRZAYEVICH	Бошлиқ ўринбосари	НШОБ 1
Член комиссии	PIRMATOV RAXMATULLA ABDULLAYEVICH	Инфратузилма объектлари ва автотранспортдан фойдаланиш бўлими бошлиғи	НШОБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.09.2022 года № лота 142674.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	Услуги по капитальному ремонту сооружений Наманган шаҳар А.Темур кўчасини кўкаламзорлаштириш минтақасини суғориш тизимини қуриш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	316 861 141 00
Стартовая сумма	316 861 141 00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Ташкилот структураси. Гувоҳнома ва Низоми. 2 Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 3. 3 йил иш стажига эга 1 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошлиқлари ва мастерлар) 4. Ишлаб чиқариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги. 5. Ҳоимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги. 6. Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник

хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YUKSALISH ZAMIN TARAQQIYOT SERVIS" MCHJ	15	маълумот	15	Экспертная		
ZIYO SIFAT NUR MCHJ	15	маълумот	10	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи.

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги 3. Ўтган йилда 40 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги 4. Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20%гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (иштирокчининг баланс ҳисоботи ва молиявий ҳисоботларидан асосида баҳоланади)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YUKSALISH ZAMIN TARAQQIYOT SERVIS" MCHJ	25	маълумот	14	Экспертная		
ZIYO SIFAT NUR MCHJ	25	маълумот	15	Экспертная		

Критерий №3 Машина ва механизмлар рўйхати,

Тип: Текстовое значение

Описание: 1 Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 3 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги 2. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YUKSALISH ZAMIN TARAQQIYOT SERVIS" MCHJ	20	механизмлар	18	Экспертная		
ZIYO SIFAT NUR MCHJ	20	5. Иш тажрибаси (Охирги марта қилган ишлари рўйхати)	15	Экспертная		

Критерий №4 Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YUKSALISH ZAMIN TARAQQIYOT SERVIS" MCHJ	5	маълумот	5	Экспертная		
ZIYO SIFAT NUR MCHJ	5	Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги	2	Экспертная		

Критерий №5 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси.

Тип: Текстовое значение

Описание: 1 Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N — Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. 2. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YUKSALISH ZAMIN TARAQQIYOT SERVIS" MCHJ	20	маълумот	18	Экспертная		
ZIYO SIFAT NUR MCHJ	20	маълумот	17	Экспертная		

Критерий №6 Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Танлов предмети — объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида лойиҳани бажариш учун керакли бўлган инженер-техник ходим (камида 1-2 киши) ҳамда машина ва механизмлар бошқа объектларга жалб этилганлиги баҳолаш даврида инobatга олинади — 2 ва 7-шакллар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YUKSALISH ZAMIN TARAQQIYOT SERVIS" MCHJ	5	маълумот	3	Экспертная		
ZIYO SIFAT NUR MCHJ	5	маълумот	3	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ZIYO SIFAT NUR MCHJ	316 861 141.00	300 000 000.00 UZS	300 000 000.00	00.00	300 000 000.00	31.08.2022 16:56:52	08.75
"YUKSALISH ZAMIN TARAQQIYOT SERVIS" MCHJ	316 861 141.00	262 608 900.00 UZS	262 608 900.00	00.00	262 608 900.00	31.08.2022 16:28:34	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ZIYO SIFAT NUR MCHJ	62,0001	8,75	70,7501
"YUKSALISH ZAMIN TARAQQIYOT SERVIS" MCHJ	72,9999	10	82,9999

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 142674 от 07.09.2022 года на приобретение Наманган шаҳар А.Темур кўчасини кўкаламзорлаштириш минтақасини суғориш тизимини куриш ишлари определила победителем:

"YUKSALISH ZAMIN TARAQQIYOT SERVIS" MCHJ
303427343

и резервный исполнитель: ZIYO SIFAT NUR MCHJ (305994248)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	BUTAYEV ADXAM UMARJANOVICH	Согласен	
Член комиссии	ANOROV QODIRJON ODILJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	TOSHPO'LATOV MUHAMMADALI USMONJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	TOJIBOYEV AKMALJON XOLMIRZAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	PIRMATOV RAHMATULLA ABDULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

«КЕЛИШИЛДИ»

Наманган шаҳар молия бўлими

мудир

З.Мўминов

2022 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Наманган шаҳар ҳокимининг

ўринбосари

А.Исмаилов

2022 йил

Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

№	Объектларнинг номи ва жойлашган манзили	Қурилиш бошланиши ва тугалланиш йили	Дойихавий қуввати, тегишли ўлчов бирик-ларида	Пудрат шартномаси тузилиши вақтига қурилишнинг умумий қиймати (млн сўм)	Пудратчи қурилиш таъкидлоглари
1	Наманган шаҳар «Янги қурилиш» ва «Баркамол авлод» МФЙ кириш қисмига замонавий кириш дарвоза(стелла)ни ўрнатилиш ишлари	2022 йил	2 комплект	50,0 млн сўм	Танлов асосида
2	Наманган шаҳар Бобуршоҳ, А.Навоий, А.Темур (технопарк) олд фонган атрофидаги насос станцияси) кўчаларидаги сугорилиш тизимларини мукаммал таъмирлаш ишлари	2022 йил	Объект	72,0 млн сўм	Танлов асосида
3	Наманган шаҳар (уч фаввора, Чорсу хийбони Уйчи кўчаси, Ёнғиллик хийбони, виллоят ва шаҳар ҳокимлиги фавворалари) кўчаларидаги сугорилиш тизимларини мукаммал таъмирлаш ишлари	2022 йил	Объект	81,0 млн сўм	Танлов асосида
4	Наманган шаҳар (Хогира хийбони ва фаввора, Чорсу ўтиш йўли, Н.Номонтоний хийбони, Машраб хийбони, Навоий театри, Ўзбекистон кинотеатри насос пункти, Навоий кўчаси ва айланма йўли) кўчаларидаги сугорилиш тизимларини мукаммал таъмирлаш ишлари	2022 йил	Объект	75,0 млн сўм	Танлов асосида
5	Наманган шаҳарнинг А.Темур кўчасида (Хамкор банкдан-Вокзал марказий фавворасига) гулхоналарга сугорилиш тизими қурилиш	2022 йил	1800 метр	351,0 млн сўм	Танлов асосида
	Жами			629,0 млн сўм	

Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи

Х.Казакбаев

МУҲОКАМА АХБОРОТИ

“ 12 ” сентябрь 2022 йил

Наманган шаҳри

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил “24” августдаги № 2142674-сонли лотга асосан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб, энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича **Наманган шаҳар А.Темур кўчасини кўкаламзорлаштириш минтақасини суғориш тизимини куриш ишлари** учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “**Юксалиш Замин Тараққиёти Сервис**” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни 62-моддасига асосан, давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Наманган шаҳар Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи:**

Х.Казакбаев

**Наманган шаҳар Ободонлаштириш
бошқармаси харид комиссияси раиси**

А.Бўтаев



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKUMATIDAN
QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko'chasi 57.

2022 - yil 11 - aprel

233-6 0 Q/22

Namangan viloyati hokimligi

Uzbekiston Respublikasi Prezidentining "Respublika hududlarida gulchilik va kўchatchilik sohalarini yanada rivojlantirish tўg'risida" 2021 йил 4 avgustdagi PQ-5209-son qarori hamda Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 йil 2 fevraldagi "Xalqaro gullar bayrami festivali"ni ўtkazish chora-tadbirlar rejasining ijrosi haqida

Uzbekiston Respublikasi Prezidentining "Respublika hududlarida gulchilik va kўchatchilik sohalarini yanada rivojlantirish tўg'risida" 2021 йil 4 avgustdagi PQ-5209-son qarori hamda Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 йil 2 fevraldagi "Xalqaro gullar bayrami festivali"ni ўtkazish chora-tadbirlar rejasining ijrosini viloyatda ta'minlash maqsadida, Uzbekiston Respublikasi "Mavxalliy davlat hokimiyati tўg'risida"gi Qonunining 6 va 25-moddalariga asosan,

QAROR QILAMAN:

1. Uzbekiston Respublikasi Prezidentining "Respublika hududlarida gulchilik va kўchatchilik sohalarini yanada rivojlantirish tўg'risida" 2021 йil 4 avgustdagi PQ-5209-son qarori hamda Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 йil 2 fevraldagi "Xalqaro gullar bayrami festivalini ўtkazish chora-tadbirlar rejasini" ma'lumot va ijro uchun qabul qilishini

2. Namangan shahrida 2022 йilning 22-31 may kunlari xalqaro "Gullar festivali"ni 61 йilligini (keyingi yillarda - Festival) ўtkazish

Фестиваль бўлиб ўтадиган сахна ва майдонларни маҳоратли гулчилар ҳамда ландшафт дизайнерларини жалб этган ҳолда табиий гуллар билан безаш ишларини амалга оширсин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Нуритдинов, вилоят ҳокимининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Аскарлов, вилоят Маданият бошқармаси (К.Сиддиков), Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (З.Мансуров) билан биргаликда белгиланган тартибда шартнома асосида таянкли санъаткор, режиссёрлар, сценарист ва ёзувчиларни жалб этган ҳолда Фестивалнинг тангақали очилиш маросимини юқори бадиий савяда ташкил этсин.

8. Бошқарма, ташкилот ва идоралар ҳамда Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликларига:

Фестиваль ўтадиган жойлардаги ўзларига ажратилган ҳудудларда ўзинга хос усулда безаш ишларини амалга ошириш, замонавий ландшафт ва дизайн асосида гулзорлар ташкил этиш, гулларни турли дизайн асосида экиш, парваришлаб туришига алоҳида эътибор қаратиш;

Фестиваль давомида гулчиларни уюшқоқлик билан иштирок этишларини ташкил этиш вазифаси юклансин

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Султанов, Наманган шаҳар ҳокимлиги (Г.Джамалов) вилоят мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда вилоятдаги корхона, ташкилот ва бошқармалар билан биргаликда Фестиваль доирасида Наманган шаҳрининг асосий кўчаларида махсус гуллар билан безатилган 150 та автомашиналаридан иборат "Байрам парад"ни ташкил этиш чораларини кўрсин

10. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов, вилоят Савдо-саноат палатаси (К.Джамалов), "Хунарманд" уюшмаси (А.Сўфийддиянов) ва Ўзбекистон Бадиий академияси вилоят бўлими (К.Қамбаров) билан биргаликда:

Фестиваль доирасида Наманган шаҳридаги "З.М.Бобур" номидаги маданият ва истироҳат боғи ён атрофида гулчилик санъатига оид турли кўرғазмалар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, гулчилик маҳсулотларини (эқлбана, гулдаста) яратиш жараёнлари, гулчиликка оид бадиий ва ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар,



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
NAMANGAN SHAHAR HOKIMINING
FARMOYISHI**

Namangan shahri, Xurriyat ko'chasi, 66-uy

2022 - yil 15 - avgust

63-6-91-F/22

Namangan shahar hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика худудларида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида” 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5209-сон қарорига мувофиқ, Наманган шаҳар ҳокимининг 2022 йил 30 июлдаги 01/20-4131-сонли хатига асосан халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 2022 йил 9 августдаги VI-32-81-6-0-К/22-сонли қарори 4-банди ижросига мувофиқ,

1. Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 2022 йил 9 августдаги VI-32-81-6-0-К/22-сонли қарорига мувофиқ, Наманган вилоятининг вилоят бюджети даромадларининг 2022 йил иккинчи ҳисобот чорак якуни бўйича аниқланган прогноздан ошириб бажарилишидан йўналтирилаётган маблағлари ҳисобидан Наманган шаҳар маҳаллий бюджетига 3 500 000,0 (уч миллиард беш юз миллион) минг сўм ажратилганлиги инобатга олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5209-сон қарорига асосан Самарқанд вилояти Наманган вилояти тажрибаси сифатида гул экиш ишлари харажатлари ҳамда Наманган шаҳрида “Гуллар фестивали” байрам тадбирини ўтказишдан ҳосил бўлган қарздорлик учун шаҳар ободонлаштириш бошқармасига 3 500 000,0 (уч миллиард беш юз миллион) минг сўм маблағ ажратилсин.

3. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Р.Исаков), шаҳар

хокимининг ўринбосари (А.Исмаилов) ва шаҳар ободонлаштириш бошқармаси (Х.Казакбаев)га:

ажратилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш;

молиялаштириш манбасини очиш учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни шаҳар молия бўлими ва шаҳар бўйича газначилик бўлинмасига тақдим этиш;

ажратилган маблағлардан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;

ажратилган мақсадли маблағларни ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисоботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра, ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни шаҳар маҳаллий бюджетига қайтариш чораларини кўрсинлар.

4. Шаҳар ҳокимлигининг молия бўлими (З.Мўминов)га бюджет харажатларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш, шаҳар бўйича газначилик бўлинмаси (Х.Ҳамидов)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

5. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Исаков зиммасига юклансин.

Шаҳар ҳокими



Ғ.Джамалов